

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Хорижий эксплуатантларни инспекциялаш бўлими тўғрисида

## НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПК-4143 қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлиги, темир йулларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337- сонли Қарори, ИКАОнинг Стандартлари ва амалдаги Тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган (SARPS ICAO).

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1. Хорижий эксплуатантларнинг эксплуатантлар инспекциялаш бўлими Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) тизим бўлиналарида ҳисобланади.

2. Хорижий эксплуатантларнинг эксплуатантлар инспекциялаш бўлими (кейинчалик – бўлим) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни, фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) ҳужжатлари, парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш, сертификатлаш ва лицензия бериш Бошқармаси ва Агентлик ҳақидаги Низомлар, Агентлик директорининг буйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низомга таянади.

3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясидаги парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспектори мақомига эга.

4. Бўлим ходимларининг ҳуқуқ ва вазифалари ушбу Низом билан белгиланади.

### 2. БЎЛИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

#### БЎЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФЛАРИ ҚЎЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

5. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида мунтазам ва бир марталик парвозларни бажарувчи хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари ишга тушишида назоратни ташкиллаштиради ва амалга оширади;

6. Хорижий давлатларнинг эксплуатантларига Ўзбекистон Республикасида мунтазам парвозларни бажаришлари учун фойдаланиш рухсатларини беради.

### **3. АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ**

7. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида мунтазам ва бир марталик парвозларни бажарувчи хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари ишга тушишидан назоратни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади;

8. Хорижий давлатларнинг эксплуатантлари Ўзбекистон Республикасида мунтазам парвозларни бажаришлари учун фойдаланиш рухсатларни олишга буюртмаларни вақтида кўришни ташкиллаштиради;

9. Халқаро тижорат авиациясида қўлланиладиган, ХҚ парвозлар хавфсизлиги зарур даражасини таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини бажариш мақсадида ИКАОнинг амалдаги Тавсиялари ва Стандартлари талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида мунтазам ва бир марталик парвозларни бажарувчи перрондаги хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари ишга тушишида эксплуатантлар инспекциясини ташкиллаштириш ва олиб бориш.

10. Ўзбекистон Республикасида парвозларни бажариш қоидаларини бузган пайтида хорижий давлатларнинг авиация ҳукумати вақтида хабар берилади.

11. Хорижий эксплуатантлар билан парвозлар хавфсизлиги тўғрисида маълумотлар алмашуви.

### **4. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

12. Бўлимга Агентлик директори томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи бевосита Агентлик директорининг ўринбосарига бўйсинади.

13. Бўлим бошлиғи лавозими ва қуйидаги мутахассис тайинланади:

- олий авиация маълумоти ва эга, ХҚга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ўқиш ва парвоз ишларида камида 5 йил, ундан 3 йил раҳбарлик лавозимларида ишлаган мутахассис тайинланади. Лавозим вазифасини бажариш доирасида давлат ва инглиз тилларини билади.

14. Бўлим Агентлик директори томонидан тасдиқланган йиллик режага асосан ўз фаолиятини олиб боради.

15. Бўлимнинг ишлаш тартиби Агентлик ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан белгиланади.

16. Бўлим бошлиғи йўқ бўлган пайтида унинг вазифасини бўлимнинг бош мутахассиси олиб боради.

17. Бўлимнинг тузилма схемаси иловада келтирилади.

### **5. БЎЛИМ БОШЛИҒИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

18. Бўлим бошлиғи зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодексини, хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларини перронда эксплуатантлар инспекциялашни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларида мунтазам ва бир марталик парвозларнинг бажарилиш авиация қоидалари ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни, бўлимга алоқадор бўлган ИКАОнинг амалдаги тавсия ва стандартларини билади;

Агентлик директорининг (директор ўринбосари) кўрсатмаларида, ушбу Низомда кўзда тутилган асосий вазифа ва топшириқларга мувофиқ бўлим ишларини режалаштиради ва ташкиллаштиради;

Фаолияти йўналиши бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ташкиллаштиради ва назорат қилади;

хорижий эксплуатантлар парвозларни бажариши учун фойдаланиш рухсатларини беришга ҳужжатлари билан аризаларни вақтида кўриб чиқишнинг назоратини амалга оширади;

ИКАО тавсиялари ва қоидаларини ҳисобга олиб, бўлим мутахассиси касбий даражасида ва маҳоратини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва олиб боради.

бўлим ишларининг бир йиллик иш режасини тасдиқлаштириш учун тайёрлайди ва унинг бажарилишини назорат қилади;

бўлим иш режаларининг бажарилишини, бўлим мутахассисларининг инспекция ўтказиш сифатини амалга оширади;

меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш санитария ҳолати ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилади, давлат сирларини сақлайди;

бўлим фаолияти тўғрисида чорак ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди.

тегишли курслардан ўтиш йўли билан (ФА фаолияти соҳасида халқаро ташкилотларда ўтказиладиган семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда) касб ва малака маҳоратини оширади;

ШЭХМда ишлашни билади.

## **6. БЎЛИМ БОШЛИҒИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

19. Бўлим бошлиғи бўлим вазифасига юкланган топшириқларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ушбу Низомда кўрсатилган вазифа ва топшириқларни бажариш бўйича, ўзининг ваколати доирасида, бўлим мутахассисларига вазифа ва топшириқлар беради;

Агентлик раҳбариятига қуйидагича таклифлар киритади:

бўлим фаолиятининг йўналиши бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;

авиация ҳодисалари ва инцидентларидан огоҳлантириш бўйича профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хорижий давлатлар эксплуатантларининг Ўзбекистон Республикасида мунтазам парвозларни бажариш учун фойдаланишга берилган ҳаракатларини тўхтатиш ва бекор қилишни;

бўлим зиммасига юкланган топшириқ ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш ва олишга;

ҳаво кемасига бериладиган ҳужжатларнинг талаблари, кеманинг мажбурий ҳужжатлари, ҳаво кемасининг учишга яроқлилик ва давлат рўйхатидан ўтганини белгилловчи гувоҳномалар талабига бузилишлар содир бўлса, ҳаво кемасини учишдан тўхтатади;

мутахассислар бир-бири билан ҳамкорликда ишлаши ва бўлим ишидаги самарадорлигини ошириш учун бош мутахассис-инспектори билан мутахассис инспектор вазифалари ҳар бир ходимнинг мутахассислиги ҳисобга олиниб вазифаларининг тенг тақсимланиши белгиланади;

## **7. БЎЛИМ БОШЛИГИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**


20. Бўлим бошлиғи ўзининг ваколати доирасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қуйидагилар учун шахсан жавобгар:

Ушбу Низом билан бўлимнинг зиммасига юкланган вазифа ва топшириқларнинг бажарилишига;

Меъёрий ҳужжатлар талабларининг вақтида ва сифатли бажарилишига;  
хорижий эксплуатантлар парвози учун фойдаланишга рухсат бериш бўйича чиқарилган қарор ва ҳулосаларнинг объективлигига;

бўлим томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг сифатига;  
белгиланган тартибга мувофиқ иш юритилишининг ташкиллаштирилишига;  
бўлим ходимлари томонидан меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш санитария ҳолати ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишига;  
«Ўзавиация» агентлиги ходимларининг этика ҳулқи қоидаларига риоя қилинишига.  
давлат сирларининг сақланишига.

**Бўлим бошлиғи**



**А.Н.Яковлев**

Илова  
Хорижий эксплуатантлар фаолиятини  
назорат қилиш бўлими низоми



Жами - 3 уб.

**ИМЗОЛАНДИ:**

Ўринбосари



О.Н.Лим

Молия-иқтисодият бошлиғи



Н.У. Индина

Бош юрисконсултанти



И.Р. Байбурина

КУҚ раиси



Р.Д. Гулямов

Танишдилар: